

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги
Олий Аттсетация Комиссияси**

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги
Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази**

«КЕЛИШИЛГАН»

Академик В.Воҳидов номидаги
Республика ихтисослаштирилган
хирургия маркази
директори, профессор
Ф.Г. Назыров

_____2013й.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

ЎзР Вазирлар маҳкамаси қошидаги
Олий Аттсетация Комиссияси
раиси профессор
Г.А.Баҳадиров

_____2013й.

**Малакавий имтихон бўйича
ДАСТУР**

Бўлим соҳаси: Соғлиқни сақлаш

Мутахассислик: ОНКОЛОГИЯ - 14.00.14

КЛИНИК РАДИОЛОГИЯ- 14.00.19

ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА ОРТОПЕДИЯ – 14.00.22

ХИРУРГИЯ - 14.00.27

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги
Олий Аттсетация Комиссияси**

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги
Академик В.Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази**

«КЕЛИШИЛГАН»

Академик В.Вохидов номидаги
Республика ихтисослаштирилган
хирургия маркази
директори, профессор
Ф.Г. Назыров

_____2013й.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

ЎзР Вазирлар маҳкамаси қошидаги
Олий Аттестация Комиссияси
раиси профессор
Г.А.Бахадиров

_____2013й.

**Онкология ихтисослиги бўйича малакавий имтихон
ДАСТУРИ**

Бўлим соҳаси: Соғлиқни сақлаш

Мутахассислик: ОНКОЛОГИЯ - 14.00.14

ОНКОЛОГИЯ - 14.00.14 ихтисослиги бўйича тиббиёт фанлари доктори илмий
даражаси изланувчилари учун малакавий имтихон
ДАСТУРИ

Кириш

“Онкология” мутахассислиги бўйича докторлик минимумлари ушбу соҳа бўйича докторлик диссертациясига номзодларнинг назарий ва амалий билимлари савиясини баҳолашга, диссертация бажарилаётган фан юзасидан илмий салохиятининг қай даражада эканлигини аниқлашга қаратилган. Шу мақсадда тузилган наъмунавий дастур Давлат таълим стандарти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг талаблари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, у Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” билан асосланади.

Наъмунавий дастур юқори малакали кадрлар тайёрлашни ташкил этишни янада такомиллаштириш ҳамда республикамызда бажарилаётган докторлик илмий ишларининг сифати, мазмуни ва самарадорлигини оширишга, хусусан диссертантларнинг дунёқарашини, ўз мутахассислиги бўйича мавжуд илғор фикр ва технологиялар билан қай даражада таниш эканлигини баҳолашга қаратилган.

Наъмунавий дастур кириш ва асосий қисмлардан иборат. Асосий қисм эса ўз навбатида докторлик минимумига бўлган талаблар изоҳи ҳамда бевосита ушбу йўналиш бўйича долзарб кенг қамровли саволлар жамламасидан иборат.

Асосий қисм

I. Фан бўйича билим, малака ва кўникмаларга қўйиладиган талаблар

- Докторлик минимуми топширишга номзодлар ЎзР ОАК қоидаларига биноан докторлик диссертациясини бажариш ҳуқуқига эга бўлишлари керак;
- ЎзР ОАК қоидаларига биноан докторлик минимуми топширишга номзодларнинг докторлик диссертацияси мавзуси тасдиқланган бўлиши керак;
- Докторлик минимуми топширишга номзодлар “онкология” фани бўйича минимум топшириш учун ЎзР ССВ Марказий тиббий кутубхонасида сўнгги 12 ой ичида энг камида 100 соат давомида мутаала қилганликлари ҳақида маълумотномага эга бўлишлари керак;
- Докторлик минимуми топшириш учун номзоднинг асосий иш жойидан Илмий кенгаш раиси номига йўлланма хатнинг мавжудлиги;
- “Онкология” фанидан докторлик минимум топшириш учун номзод чет тили, математика ва тарих фанларидан минимум талабларини бажарган бўлишлари керак.

II. Фан блоклари бўйича саволлар жамғармасига асос бўлувчи онкология йўналишлари

1. Ўзбекистон Республикасида онкологик хизматни ташкил қилиш:

- Республикада онкологик хизмат структураси, мавжуд қонунчилик йўриқномалари;
- Онкологияда эпидемиологик текшириш услублари ва уларнинг қўлланилиш имкониятлари;
- Ҳавфли ўсмаларнинг асосий локализациялари бўйича республикамик ва дунё статистикаси;
- Онкологияда эпидемиологик экстенсив, интенсив ва стандартлаштирилган кўрсаткичлар;
- Онкологияда ҳисоб ва ҳисобот ҳужжатлари;
- Онкологияда реабилитация ва меҳнат экспертизаси принциплари;
- Ҳавфли ўсмаларнинг бирламчи ва иккиламчи профилактикаси мезонлари.

2. Назарий ва фундаментал онкология:

- Фундаментал онкологиянинг вазифалари;
- Дунё миқёсида назарий онкологиянинг ютуқлари;
- Фундаментал ва амалий ҳамда инновацион илмий текшириш ишларининг узвийлиги ва айна вақтда фарқ қилувчи хусусиятлари;
- Онкогенетиканинг хавфли ўсмаларни аниқлашдаги тутган ўрни;
- Канцерогенезда биологик, физик ва кимёвий омиллар;
- Канцерогенезда инициация ва промоция, коканцерогенлар.

3. Онкологияда хирургик анатомия ва физиология:

- Онкологик операцияларда хирургик анатомия ва физиологиянинг тутган ўрни ва аҳамияти;
- Онкологияда абластика ва радикализм принциплари;
- Паллиатив ва аъзони сақлаш операцияларининг онкологиядаги вазифаси;
- Онкологик жараёнларнинг тарқалиш йўллари ва уларнинг хирургик даволашда аҳамияти.

4. Морфологик онкология:

- Онкоморфологиянинг умумий принциплари;
- Ҳавфли ўсма касалликларида морфологик текширишга материал йиғиш услублари ва уларнинг асосий мезонлари;
- Регенерация, метаплазия ва преинвазив карциноманинг хусусиятлари;
- Онкологияда гистогенез ва морфогенез тушунчалари;
- Ўсмаларнинг генетик полиморфизми ҳақида тушунча.

5. Клиник онкологияда диагностика ва даволаш усуллари:

- Замонавий тиббий диагностика техникаси;
- Нур диагностика усуллари;
- Клиник-лаборатор текшириш усуллари онкологияда тутган ўрни;
- Онкологияда функционал текшириш усуллари;

- Эндоскопик текшириш усулларининг онкологияда ўрни;
- Онкологияда махсус даволаш усулларининг турлари;
- Махсус даво усулларининг баҳолаш мезонлари;
- Онкологияда хирургик даволашнинг умумий тамойиллари;
- Абластика ва антибластиканинг онкологияда вазифалари;
- Операбеллик ва резектабелликнинг асосий мезонлари, уларнинг хирургик онкологиядаги ўрни;
- Кимётерапиясининг асосий тамойиллари, усуллари ва натижаларини таҳолаш мезонлари;
- Хавфли ўсма касалликларини даражалаш ва таснифлаш мезонлари;
- Хоспис тузилмаларининг вазифалари.

6. Ўсма касалликларининг клиник кечиши ва даволаш мезонлари:

- Хавфли ва хавфсиз ўсма касалликлари ҳақида тушунчалар;
- Бош бўйин соҳасидаги ҳавфли ўсмаларнинг турлари, клиник хусусиятлари, этиологияси ва патогенези, даволаш усуллари;
- Тери ва юмшоқ тўқима ҳавфли ўсмаларининг турлари, клиник хусусиятлари, этиологияси ва патогенези, даволаш усуллари;
- Суяк тўқимаси ҳавфли ўсмаларининг турлари, клиник хусусиятлари, этиологияси ва патогенези, даволаш усуллари;
- Жигар ҳавфли ўсмаларининг турлари, клиник хусусиятлари, этиологияси ва патогенези, даволаш усуллари;
- Меъда ости беги ҳавфли ўсмаларининг турлари, клиник хусусиятлари, этиологияси ва патогенези, даволаш усуллари;
- Меъда ҳавфли ўсмаларининг турлари, клиник хусусиятлари, этиологияси ва патогенези, даволаш усуллари;
- Ўт копи ва ўт йўллари ҳавфли ўсмаларининг турлари, клиник хусусиятлари, этиологияси ва патогенези, даволаш усуллари;
- Колоректал соҳа ҳавфли ўсмаларининг турлари, клиник хусусиятлари, этиологияси ва патогенези, даволаш усуллари;
- Буйрак ҳавфли ўсмаларининг турлари, клиник хусусиятлари, этиологияси ва патогенези, даволаш усуллари;
- Қоринпарда орти соҳаси ноорган ва буйрак усти беги ҳавфли ўсмаларининг турлари, клиник хусусиятлари, этиологияси ва патогенези, даволаш усуллари;
- Ўпка ҳавфли ўсмаларининг турлари, клиник хусусиятлари, этиологияси ва патогенези, даволаш усуллари;
- Хавфли лимфомалар таснифи, турлари ва асосий даволаш усуллари;
- Аёллар жинсий аъзолари ҳавфли ўсмаларининг турлари, клиник хусусиятлари, этиологияси ва патогенези, даволаш усуллари;
- Кўкс оралиғи ҳавфли ўсмаларининг турлари, клиник хусусиятлари, этиологияси ва патогенези, даволаш усуллари;
- Простата беги ҳавфли ўсмаларининг турлари, клиник хусусиятлари, этиологияси ва патогенези, даволаш усуллари;
- Қовуқ ҳавфли ўсмаларининг турлари, клиник хусусиятлари, этиологияси ва патогенези, даволаш усуллари;
- Кўкрак беги ҳавфли ўсмаларининг турлари, клиник хусусиятлари, этиологияси ва патогенези, даволаш усуллари;

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги
Олий Аттестация Комиссияси**

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги
Академик В.Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази**

«КЕЛИШИЛГАН»

Академик В.Вохидов номидаги
Республика ихтисослаштирилган
хирургия маркази
директори, профессор
Ф.Г. Назыров

_____ 2013й.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

ЎзР Вазирлар маҳкамаси қошидаги
Олий Аттестация Комиссияси
раиси профессор
Г.А.Бахадиров

_____ 2013й.

**Клиник радиология ихтисослиги бўйича малакавий имтихон
ДАСТУРИ**

Бўлим соҳаси: Соғлиқни сақлаш

Мутахассислик: КЛИНИК РАДИОЛОГИЯ- 14.00.19

**14.00.19 – Клиник радиология ихтисослиги бўйича тиббиёт фанлари доктори илмий даражаси изланувчилари учун малакавий имтихон
ДАСТУРИ**

Кириш. Тиббий радиология тиббиётнинг энг кўп соҳали йўналишларни мужассамлаштирган фан ҳисобланади. XX аср охири ва XXI юз йилликнинг бошларида текширилатган орган (тўқима) ва тизимларнинг функционал, анатомик, синтопик хусусиятларини, турли хил касалликларни эрта диагностикасини амалга оширишни, интервенцион радиология текширишлари ёрдамида аниқловчи диагностика ва тиббий визуализация тизимлари назоратида кам таъсирли жарроҳлик амалиётлари ўтказиш сифатини оширишни таъминловчи юқори сифатли ва янги диагностик суратлар олиш имконини берувчи замонавий технологиялар тиббиёт амалиётига кириб келди. Шу сабабли ушбу мутахассислик бўйича тиббиёт ёки биология фанлари доктори илмий даражаси изланувчилари классик тиббий радиология асосларини ўзлаштиришдан ташқари, замонавий тиббий визуализация технологияларини билишлари ва ўз фаолиятларида қўллаш олишлари шарт.

Ушбу малака Дастирининг **мақсад ва вазифалари** илмий даража изланувчиларининг классик рентгенология, радиология, ултратовуш диагностикаси амалиётларига жадаллик билан кириб келаётган замонавий рақамли ангиография, компьютер, магнит-резонанс, позитрон-эмиссион томография, ултратовуш доплерографияси (спектрал, рангли, рангли тўқима, энергетик), соноэластография, панорамик эхография технологиялари соҳасидаги билим, малака ва кўникмаларини аниқлашдан иборат.

«Тиббий радиология» мутахассислиги бўйича изланувчи:

• Қўйидагиларга эга бўлиши керак:

- тиббиётнинг долзарб муаммолари ва ривожланишнинг асосий йўналишлари ҳақида;
- турли орган (тўқима) ва тизимларнинг касалликлари нур диагностикасининг янги технологиялари ҳақида.

• Билиши ва фойдалана олиши керак:

- нур диагностикасининг замонавий усулларидан, шу жумладан турли орган (тўқима) ва тизимларнинг касалликларини визуал диагностикасининг анъанавий ва янги усулларидан;
- радиологик хизмат кўрсатиш соҳасига тегишли Ўзбекистон Республикаси тиббиёт идоралари ва ташкилотларининг буйруқ ва меъёрий актларидан, Халқаро ассоциациялар кўрсатмаларидан.

▪ Малакага эга бўлиши керак:

- касалларда турли хил радиологик текширишларни бажара олиш, шу жумладан, танлаган тадқиқот йўналишидаги технологияларни мукамал бажара олиши;
- радиологик текширишлар ўтказиш стандартларида кўрсатилган керакли даволаш-диагностик тадбирларни зарур ҳажм ва тўпلامда бажара олиши ва норматив актлар асосида текшириш натижаларини ёзма баён этиш;
- баъзи интервенцион ва диагностик муолажаларни мустақил ўтказиш олиш (сертификатланган билим ва кўникмалар доирасида);
- клиник-радиологик текширишлар натижаларини комплекс баҳолаш ва пациентларни комплекс текширишда визуализация тизимларидан рационал фойдаланиш;
- шошилинич ҳолатларда бирламчи радиологик ёрдам кўрсатиш.

Малака имтихонлари дастурининг мавзулар блоклари бўйича МАЗМУНИ

1.1 Радиология диагностикасининг меъёрий хужжатлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 й 10 ноябрдаги «1998-2005 йилларда Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ислохатларининг Давлат дастури тўғрисида», 2007 йил 19 сентябрдаги «Тиббиёт ислохатлари ривожланишини янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари ва Давлат дастурини бажариш тўғрисида»ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 2 октябрдаги «Республика тиббиёт муассасалрининг фаолиятини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги Фармойиши, ЎзР министрлар кабинетининг 2005 йил 21 декабрдаги «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллашган тизимини тасдиқлаш тўғрисида», 2009 йил 18 декабрдаги «Тиббиёт ходимларини малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармойишлари, ЎрР ССВнинг 2012 йил 12 июлдаги «Соғлиқни сақлаш Вазирлиги тизимидаги муассасаларда тиббий (врачлик) ва фармацевтик мутахассисликлар ва лавозимлар номенклатураси, олган таълимини эгаллаган лавозимига мослигини тасдиқлаш тўғрисида» ва 2012 йил 12 июлдаги «ЎрН ССВ тизимидаги муассасаларда врачларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш муддатлари ва тартиби тўғрисида»ги Буйруқлари

1.2. Радиология умумий муаммолари.

Визуализацияда қўлланиладиган электромагнит нурлар турлари. Турли нурларнинг биологик муҳитга таъсири. Радиоизотоплар ва радио-фармпрепаратлар. Нурланишдан ҳимоя ва нурланиш дозалари. Нурланиш дозалари микдори ва ўлчаниш бирликлари, экспозиция, ютилган доза. Радиацион биология. Визуализация объекти ва унинг тасвир характеристикаларига таъсири. Тасвир сифати тушунчаси. Аналог ва рақамли рентгенологикуслублар. Компьютер томографиянинг физик асослари. Ион ва ноион рентгеноконтраст моддалар. Радионуклид визуализация. Гамма камера тузилиши, радиоизотоп сканлаш. Эмиссион компьютер томография турлари (SPECT, PET). Ультратовуш ташҳиси, методикалари - А-режим, М-режим, В-режим, доплерография. Янги технологиялар – эластография, 3Д/4Д ўлчамли тасвирлар. Ультратовуш диагностикаси артефактлари. Магнит резонанс ходисаси. МР-томограф ва унинг магнит майдони. Протонлар (водород атомлари) магнит майдонида. Тасвир контрастлиги: протон зичлиги, T1 ва T2 тасвирлар. Магнит-резонанс томография контраст моддалари. МР-ангиография, ҳаракатланган қон табиий контраст сифатида кўриниши. Позитрон-эмиссион томография, тиббиёт амалиётидаги истиқболлари.

1.3. Бош мия касалликлари ва травматик шикастланишлари нур ташҳиси.

Калла суякларива бош мия текшириш усуллари ва нормал анатомияси. Бош мия туғма касалликлари: эпилепсия, гидроцефалия, Киари аномалияси, бош мия ўрта структураларини баҳолаш мезонлари. Қон томир билан боғлиқ касалликлар: ишемик инфарктлар, мия ичи гематомалари, аномалиялар ва қон томир ўсмалари. Мия жароҳати, мия контузияси, субдурал, экстрадурал гематомалар. Бош мия ўсмалари. Супра- ва субтенториал мия ташқари ўсмалари: менингиома, невринома, дермоид ва эпидермоид, липома, хордома. Супратенториал мия ички ўсмалари: глиома, астроцитома, глиобластома, олидендроглиома. Мия ички субтенториал ўсмалар: астроцитома, чўзинчоқ мия ва кўприк глиомаси, медуллобластома, эпендимома, гемангиобластома. Бош мия бактериал инфекциялари: абсцесслар, менингитлар, эмпиема.

Демиелинизацияловчи касалликлар: бош ва орқа мия тарқалган склерози. Орбита касалликлари ва травмаси. Турк эгарча соҳаси патологияси. Гипофиз аденома ва микроаденомаси, краниофарингиома, супраселляр менингиома. “Бўш” турк эгарчаси синдроми. Кўриш нерви ва гипоталамус глиомаси, аневризмалар, метастазлар. Нейросонографиянинг педиатрия амалиётидаги ўрни.

1.4. Бош ва бўйин касалликлари радиологияси.

Чакка суяги, анатомия, радиологик текшириш усуллари. Чакка суяги яллиғланиш касалликлари, ўткир ва сурункали ўрта отитлар. Холестеатома. Чакка соҳаси ўсмалари – юз ва кулоқ нервлари шванномалари, гломус ва хавфли ўсмалар. Бурун, буруннинг ёндош бўшлиқлари ва юз скелети нурли анатомияси ва радиологик текшириш усуллари. Ўткир ва сурункали синуситлар, ретенцион шиллиқ кисталар, мукоцеле, бурун полиплари, хавфли ўсмалар. Бурун ва юз соҳаси синишлари. Бурун ва оғиз ҳалқуми радиологик текшириш усуллари ва анатомияси. Бурун ва оғиз ҳалқуми хавфсиз ва хавфли ўсмалари. Сўлак безлари радиологик текшириш усуллари ва нурли анатомияси. Силолитиаз, инфекциялар, систем касалликлар ва сўлак безлари ўсмалари. Ультратовуш сиология технологияси. Сўлак безлари касалликлари ультратовуш дифференциал диагностикаси. Ҳақилдоқ радиологик текшириш усуллари ва нурли анатомияси. Ҳақилдоқ хавфсиз ва хавфли ўсмалари. Бўйин соҳаси радиологик текшириш усуллари ва анатомияси. Бронхиоген кисталар, кистоз гиргома, бўйин лимфотугунлари катталашиши синдроми, ҳалқум атрофи соҳаси ўсмалари. Қалқонсимон без ва қалқонсимон без ёни беи радиологик текшириш усуллари ва анатомияси. Қалқонсимон без ва қалқонсимон без ёни беи хавфсиз ва хавфли ўсмалари. Қалқонсимон без ва қалқонсимон без ёни ультратовуш текшируви технологиялари. Ўчоқли ва тарқалган қалқонсимон без ва қалқонсимон без ёни касалликлари дифференциал диагностикаси. Одонтологияда радиологик текшириш усуллари. Нормал нурли анатомия ёшга нисбатан. Тиш ва тиш атрофи тўқималар яллиғланиш касалликлари - кариес, пульпит, остеомиелит, периодонтитлар. Юз-жағ соҳаси кистоз тузилмалари – радикуляр ва фолликуляр кисталар, кератокисталар, ноодонтоген кисталар. Жағларнинг хавфсиз ўсмалари - одонтома, амелобластома, фиброз-суякли ўсмалар, гемангиомалар. Жағларнинг хавфли ўсмалари - сквамоз ва мукоэпидермоид карцинома, остеоген саркома лимфомава миелома. Чакка пастки жағ бўғими нурли анатомияси ва патологияси. Ультратовуш офтальмологияси, пастки жағ бўғими ультратовуш текшируви технологиялари, касалликларнинг ультратовуш таснифи.

1.5. Таянч-ҳаракат тизими радиологияси

Таянч-ҳаракат тизими радиологик текшириш услублари: оддий рентгенография, суяклар сцинтиграфияси, компьютер ва магнит-резонанс томография, ультрасонография. Чақалоклар ва бир ёшгача бўлган болалар тос-сон суяги бўғими ультратовуш текшируви технологияси. Тос-сон суяги бўғими дисплазияси, қисман ва тўла чиқиш ҳолатлари эхографик белгилари. Таянч-ҳаракат тизими нурли анатомияси. Суяк, бўғим ва юмшоқ тўқималар травматик шикастланиши. Терминология ва синишлар турлари. Оёқ ва қўл суяклари травмалари. Бўғимлар травматик шикастланиши, синишлар ва чиқишлар. Периферик бўғимлар дегенератив касалликлари. Турли бўғимлардаги остеоартрознинг радиологик дифференциал ташҳиси. Суяк ишемик некрози, остеонекроз, Легг-Кальве-Пертескасалиги. Синовиал яллиғланиш касалликлари - ревматоид артрит, серологик манфий спондилоартропатиялар, ювенил артритлар. Суяк ва бўғимлар инфекцион касалликлари, остеомиелитлар, септик артритлар. Ўсмалар ва ўсимтасимон тузилмалар, суяклардаги реактив ўзгаришлар, ўсмалар радиологик диагностика асослари. Интервенцион муолажалар - сонография вафистулография, диагностик биопсия, ангиография ва атрография.

1.6. Умуртқа поғонаси радиологияси.

Умуртқа радиологик текшириш усуллари ва нормал нурли анатомияси. Умуртқа травматик шикастланиши – умуртқа синишлари ва чиқишлари, мия эзилиши, гематомалар. Умуртқа дегенератив ўзгаришлари – диск чурраси, умуртқа канали стенози. Умуртқа яллиғланиш касалликлари – йирингли ва туберкулёзли спондилит, анкилозловчи спондилит. Умуртқа интрамедулляр ўсмалари -астроцитома, эпендимома. Интрадурал экстремедулляр ўсмалар - невринома, менингиома. Сирингомиелия. Умуртқа туғма аномалиялари – умуртқа очик кемтиги, миелоцеле ва миеломенингоцеле, липома, умуртқа артериовеноз мальформацияси

1.7. Ўпка ва кўкс оралиғи касалликлари радиологияси

Ўпка ва кўкс оралиғи радиологик текшириш услублари - рентгенография, компьютер ва магнит-резонанс томография, ультрасонография, изотоп сканирлаш, бронхография. Кўкрак қафаси нормал анатомияси ва вариантлари, ўпка, плевра, диафрагма ва кўкс оралиғи. Патологик ҳолатлар, синишлар ва қовурға деструкциясидаги кўкрак қафаси деформациялари. Бир ва икки томонли диафрагма гумбазлари жойлашиши ўзгаришлари. Плевра касалликлари - плевритлар, плевра эмпиемаси, қалинлашиши, плевра ўсмалари. Олдинги кўкс оралиғи касалликлари – ретростернал бўқоқ, тимус ўсма/кисталари, дермоид, липома. Ўрта кўкс оралиғи касалликлари – аорта ёйи аневризмаси, бронхоген кисталар, кизилўнгач патологик тузилмалари, лимфа тугунлар катталашиши. Орқа кўкс оралиғи патологик тузилмалари - нейроген ўсмалар, умуртқага метастазлар, спондилитлар. Медиастенит, фиброз. Ўпка илдизлари кенгайиши. Респиратор касалликлар ва эмфизема. Бронхоэктатик касаллик. Ателектазлар. Ўпка ўсмалари. Ўпка туберкулёзи. Ўпка инфекциялари. Ўпканинг диффуз тарқалган касалликлари - шиш, ўпка фибрози, альвеолит, пневмокониозлар, силикозлар, саркоидоз, коллаген касалликлар. Кўкрак қафаси жароҳати. Операцияданг сўнгги патологик ҳолатлар. Педиатрия амалиётида плевра, ўпка, кўкс оралиғи касалликларини аниқлашда ултратовуш диагностикаси ўрни.

1.8. Юрак ва қон томирлар касалликлари радиологияси

Юрак ва қон томирлар радиологик ташхислаш усуллари. Рентгенография, КТ, МРТ, эхокардиография, ангиокардиография ва радионуклид текширувларга кўрсатмалар. Юрак ва қон томирлар нормал нурли анатомияси ва физиологияси. Юрак камералари катталашиши синдроми. Юрак қопқоқлари ортирилган нуқсонлари: митрал, уч табақали, аортал ва ўпка артерияси. Цианозсиз ва нормал ўпкадаги қон оқими билан туғма юрак нуқсонлари. Цианотик ва ўпка қон оқими ортган юрак туғма нуқсонлари. Юракнинг ишемик касаллиги, стенокардия, миокард инфаркти. Перикард касалликлари: кисталар, ўсмалар. Перикарддаги суюқлик синдроми, перикардитлар. Интервенцион муолажалар: фибринолиз, вальвулопластика, перикардни дренажлаш. Артерия ва веналар касалликлари. Ултратовуш доплерографияси усулларининг юрак ва қон томирларини текширувидаги аҳамияти. Периферик қон томирлар ултратовуш ангиографияси ва доплерографияси технологиялари.

1.9. Сут безлари касалликлари радиологияси.

Сут безлари функционал анатомияси ёшга нисбатан. Сут беzi саратони ривожланиши омиллари. Радиологик текшириш усуллари: умумий ва мўлжалли тасвирлар (маммограммалар), компрессияли тасвирлар, кисто- ва пневмокистография, галактофорография (дуктография), сонография, доплерография, КТ, МРТ. Радиологик усуллар назоратида пункцион биопсия, патологик тузилмалар локализациясини аниқлаш учун пункция ва операция олди стереотактик муолажалар. Сут безлари ривожланиш аномалиялари. Сут безлари жароҳати ва ёт таналари радиологик ташхиси. Ёғли некроз. Сут безлари яллиғланиш касалликлари (маститлар, абсцесс, туберкулёз, актиномикоз). Оддий катта кисталар, аденомалар, фиброаденомалар, гигант фиброаденомалар, ангиолипомалар. Кўкрак беzi инфаркти. Сут беzi чандиқланиши. Сут

безидаги оҳакланишлар дифференциал ташҳиси. Хавфли ўсмалар радиологик ташҳиси (атипик дуктал гиперплазия, ноинфильтрацияловчи ва инфильтрацияловчи in situ саратони, интрадуктал карцинома, бўлакчали рак, мағизсимон саратон, Пэджет касаллиги, ноэпителиал ўсмалар, кўкрак безига рак метастазлари. Bi-RADС системасининг сут безлари касалликларини аниқлашдаги аҳамияти. Сут йўллари шикастланиши нурли семиотикаси. Нур ва химиотерапиядаги сут безидаги ўзгаришлар. Сут безидаги операциядан сўнг ўзгаришлар. Эркаклар кўкрак беги касалликлари нурли ташҳиси.

1.10. Ошқозон ичак тракти касалликлари радиологияси

Ошқозон ичак радиологик текшириш усуллари: Оддий рентгенография, барий билан рентгеноскопия, ультрасонография, компьютер томография ва магнит-резонанс томография. Ошқозон ичак нормал нурли анатомияси ва физиологияси. Дисфагиялар диагностикаси – оғиз-ҳалқум ва қизилўнгачли. Нейромушак функционал касалликлари. Ҳалқумнинг структур патологияси (тўсиқлар, чўнтаклар ва дивертикуллар, ўсмалар ва ёт таналар). Қизилўнгач моторикаси бузилишлари. Қизилўнгач стриктурлари. Қизилўнгач хавфсиз ва хавфли ўсмалари. Ўсма жараёни босқичини аниқлаш. Эзофагит, қизилўнгач яраси. Гастроэзофагеал рефлюкс. Дивертикуллар, ахалазия ва қизилўнгач веналари варикоз кенгайиши. Қизилўнгач диафрагма тешиги чурралари. Ошқозон яра касаллиги. Ошқозон карциномаси, ташҳислаш, босқичини аниқлаш. Субмукоз ўсмалар, шиллиқ полиплар, ошқозон лимфомаси. Гастритлар. Операцияланган ошқозон. Гастритлар, ошқозон яраси ва хавфли ўсма касалликлар ултратовуш ташҳиси. Ўн икки бармоқ ичак касалликлари: дуоденит, яра касаллиги, дивертикуллар. Ингичка ичак касалликлари: Крон касаллиги, туберкулёз, энтероколит. Мальабсорбция синдромида рентгенологик текширувлар. Ингичка ичак ўсмалари. Ичак тутилиши. Ингичка ичак қон томир касалликлари: ўткир ва хроник ишемия. Йўғон ичак касалликлари: дивертикулез, колитлар. Колоректал зона ўсмалари: диагностика, босқичини аниқлаш. Аноректал эвакуация бузилишлари: ич кетмаслиги, ахлат ушлолмаслик. Ўткир ошқозон ичакдан қон кетишлар: ичакларнинг юқори ва пастки қисмидан: диагностика ва интервенцион даволаш муолажалари.

1.11. Жигар, ўт йўллари, ошқозон ости беги ва талоқ касалликлари радиологияси

Қорин бўлиғи паренхиматоз аъзолари ва ўт йўллари радиологик текшириш усуллари. Жигар, ўт йўллари, ошқозон ости беги ва талоқ нормал нурли анатомияси. Жигарнинг хавфсиз ўсмалари: гемангиома, аденома ва фокал тугунли жигар гиперплазияси, кисталар. Хавфли ўсмалар: гепатома ва гепатоцеллюляр карцинома, жигарнинг метастатик шикастланиши. Жигар абсцесси, гематома. Жигар паренхимаси касалликлари: ёғли дистрофия, гепатитлар, жигар циррози. Интервенцион муолажалар: абсцесслар дренажлаш, эмболизация, биопсия, қон кетишни тўхтатиш. Ўт тош касаллиги. Холециститлар. Ўт қопи карциномаси. Гиперпластик холецистозлар. Ўткир ва хроник панкреатит. Ошқозон ости беги ўсмалари, кисталар ва псевдокисталар. Спленомегалия, инфильтратлар, абсцесс. Қорин бўшлиғи жароҳатларини аниқлашда радиологик усуллар ўрни –FASTтехнологияси.

1.12. Сийдик ва жинсий аъзолар касалликлари радиологияси.

Сийдик ва жинсий аъзолар радиологик текшириш усуллари: умумий рентгенография, экскретор урография, пиелография, сонография, компьютер ва магнит-резонанс томография, радинуоклид усуллар. Буйрак ва сийдик чиқариш йўллари нормал анатомияси ва физиологияси. Преренал бузилишлар, буйрак артерияси стенози, буйрак артерия ва веналари касалликлари. Буйрак касалликлари: буйрак ривожланиш аномалиялари, иккиланиш ва дисплазиялар. Буйрак кисталари, поликистоз, хавфсиз ўсмалар: аденома, ангиолипома, онкоцитома. Буйрак ҳужайрали рак, лимфома, метастазлар. Яллиғланиш касалликлари, пиелонефрит, буйрак туберкулёзи, гломерулонефрит. Постренал бузилишлар: коса-жом аномалиялари, уретероцеле,

папилляр ўсмалар, коса-жом яллиғланиш касалликлари. Сийдик тош касаллиги, сийдик йўллари обструкцияси. Пастки сийдик йўллари патологияси: органик ва функционал бузилишлар. Эркак ва аёллар жинсий аъзолари яллиғланиш касалликлари ва ҳажмли тузилмалар. Функционал бузилишлар билан кечадиган буйрак усти беши патологияси: Кушинг синдроми, Конн синдроми, адреногенитал синдром, Аддисон касаллиги, буйрак усти беши гиперплазияси, феохромоцитома. Функционал бузилишсиз кечадиган буйрак усти беши патологияси: аденома, карцинома, қон қуюлишлар, кисталар, гемангиома, метастазлар. Аёллар жинсий аъзоларини радиологик текшириш усуллари: рентгенологик, КТ, МРТ, ултратовуш (умумий ва махсус). Нормал нур анатомияси. Бачадон ва бачадон аъзолари физиологик ва ёшга нисбатан хусусиятлари. Бачадон ривожланиши аномалиялари: аплазия, агенезия, рудиментар бачадон, бачадон гипоплазияси, иккиланган бачадон, эгарсимон, икки шохли, бир шохли бачадон, рудиментар шохли бачадон, бачадон бўйни гипоплазияси, иккиланган бачадон бўйни, бачадон найлари ва қин аномалиялари. Аёллар жинсий аъзолари яллиғли касалликлари: эндометритлар, эндоцервицитлар, метроэндометритлар, салпингитлар, пиоварлар, пелвиоперитонитлар, спайка (бирикиш) жараёни, тубоовариал абсцесс. Бачадон хавфсиз ва хавфли ўсма касалликлари: эндометрий гиперплазияси, эндометрий полиплари, эндометрий раки, бачадон бўйни раки, бачадон миомаси, ички эндометрит, бачадон хорионэпителиомаси, бачадон саркомаси. Тухумдоннинг ноўсма касалликлари: ретенцион кисталар, эндометриод кисталар, тухумдон поликистози. Тухумдоннинг хавфсиз ўсма касалликлари: сероз киста, фиброма. Тухумдоннинг хавфли ўсма касалликлари: етилмаган тератома, дисгерминома, тухумдон раки. Бачадон ташқарисидаги хомиладорлик: найдаги, тухумдондаги, қорин бўшлиғидаги, бачадон бўйнидаги. Ривожланаётган, тўхтаган, ривожланмаётган бачадон ташқарисидаги хомиладорлик. МРТ ва ултратовуш диагностикаси ўрни. Хомиладорликда ултратовуш диагностикаси: хомиладорликнинг эрта муддатларида бачадон ва бачадон аъзоларининг нормал анатомияси ва физиологияси. Экстраэмбрионал хосилалар. Хомиладорликнинг 1 триместри якунида хомила эмбриони нормал анатомияси. Хомиладорликнинг 1 триместри патологиялари: хомиланинг тушиши, ривожланмаётган хомиладорлик, трофобластик касаллик, истмико-цервикал етишмовчилик. Хомиладорликнинг 1 триместри якунида хомиланинг туғма нуқсонлари. II ва III триместрда хомиладорлик. Кўп хомилали хомиладорликда хомиланинг нормал анатомияси ва физиологияси. Йўлдош, киндик, хомила олди сувлари. Хомиланинг туғма нуқсонлари ривожланиши ва касалликлари. Бачадон ва бачадон аъзоларининг туғруқдан кейинги ҳолати. Туғруқдан кейинги давр асоратлари. Бачадон субинволюцияси, йўлдош тўқимаси қолдиқлари, гематометр. Бачадондаги чоклар

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги
Олий Аттестация Комиссияси**

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги
Академик В.Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази**

«КЕЛИШИЛГАН»

Академик В.Вохидов номидаги
Республика ихтисослаштирилган
хирургия маркази
директори, профессор
Ф.Г. Назыров

_____ 2013й.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

ЎзР Вазирлар маҳкамаси қошидаги
Олий Аттестация Комиссияси
раиси профессор
Г.А.Бахадиров

_____ 2013й.

**Травмотология ва ортопедия ихтисослиги бўйича малакавий имтихон
ДАСТУРИ**

Бўлим соҳаси: Соғлиқни сақлаш

Мутахассислик: ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА ОРТОПЕДИЯ – 14.00.22

**Травматология ва ортопедия–14.00.22 ихтисослиги бўйича тиббиёт фанлари
доктори илмий даражаси изланувчилари учун малакавий имтихон
ДАСТУРИ**

Травматология ва ортопедия фанлари – клиник тиббиётда бир бири билан узвий
боғлиқдир.

Травматология, бу тиббиёт йўналишларнинг бир бўлими бўлиб, жароҳатлар ва травматик касалликларда организмда кечадиган жараёнларни, жароҳатлар келиб чиқиш механизмларини таянч ҳаракатланиш системаси жароҳатларида қайта тикланиш (репарация) жараёнларини ўрганади, таянч ҳаракатланиш системаси аъзоларини бутунлигини тиклаш (остесинтез) усулларини ишлаб чиқади, травматизм ва унинг асоратлари профилактикаси билан шуғулланади.

Тиббиёт йўналишларидан иккинчиси бу – ортопедия фанидир, таянч ҳаракатланиши системаси касалликлари, унинг туғма ва орттирилган деформацияларини ўрганади. Ушбу фаннинг вазифаси инсон таянч ҳаракатланиш аппарати касалликлари ва деформацияларининг этиопатогенезини, профилактикасини, диагностика ва даволаш усулларини ўрганади. Мутахассислардан травматология ва ортопедия соҳасида тиббиётнинг теоретик билимларини ва амалий кўникмаларини: таянч ҳаракатланиш системаси касалликларини клиник диагностикаси, даволашнинг консерватив ва жаррохлик усулларини, шу жумладан уларнинг профилактик чора тадбирларини билишни талаб қилади.

Замонавий тиббиётнинг ривожланишига қарамасдан травматология ва ортопедия соҳаларига тааллуқли бўлган айрим патологиялар жиддий тиббий-социал муаммоларни юзага чиқармоқда. Шу жумладан, бизнинг юртимизда болалар травматологияси ва ортопедияси муаммолари, болалар ва катталарда политравма муаммолари ва албатта, замон талабларига жавоб берадиган технологияга бўлган эҳтиёж ошмоқда. Шунга боғлиқ равишда ҳозирги замонда малакали мутахассис шифокорлар: ушбу соҳаларда учрайдиган касалликларни ҳар томонлама, тўлиқ ҳажмда даволай оладиган мутахассисларга талаб ошмоқда.

Ушбу тоифадаги юқори малакали мутахассислар травматология ва ортопедия соҳасида тиббиёт фанлари докторларидир.

Бундан ташқари травматология ва ортопедия соҳасида тиббиёт фанлари доктори юқори малакали мутахассис бўлишдан ташқари, улар илмий, даволаш ва профилактикаси, административ бошқарув, тиббий-социал ва организацион-методик ишларда ҳам актив фаолият олиб борадилар. Юқоридагилардан келиб чиқиб, замонавий шароитда травматология ва ортопедияда тиббиёт фанлари докторларига зарурат туғилади.

1. Фаннинг мавзулари:

- I. 1. Травматология ва ортопедияда клиник-лаборатор текширув усллари.
2. Нур ташхиси усуллари - рентгенологик диагностика, компьютер ва магнит-резонанс томография, радионуклид текширувлар.
3. Биохимик ва электромиографик текширув усуллари.
4. Биомеханик текшириш.
5. Иммунологик текшириш.
6. Функционал диагностика усуллари.
7. Травматик касаллик.
8. Жароҳатлар ва жароҳатланиш.
9. Узоқ эзилиш синдроми.
10. Комбинирланган жароҳатлар ва уларнинг даволашни ўзига хос хусусиятлари.
11. Автохалокатларда политраманинг босқичли даволаш принциплари.
12. Суяк тўқимаси регенерацияси.
13. Болаларда суяк синишлари.

14. Периферик нервлар жароҳатлари.
15. Қўл ва оёқлар реплантацияси принциплари.
16. Суяклар остеосинтези, усулларнинг ривожланиш тарихи ва олимларнинг қўшган хиссалари.

17. Ёгли эмболия, турлари ва ривожланиш этиопатогенези, замонавий даволаш принциплари.

II. 1. Елка камари жароҳатлари.

2. Елка бугими жароҳатлари ва елка суяги синишлари.
3. Тирсак бугими жароҳатлари ва билак суяклари синишлари.
4. Билакузук ва қўл кафти жароҳатлари.

III. Оёқ жароҳатлари.

1. Сон суяги жароҳатлари.
2. Тизза бугими жароҳатлари ва болдир суяклари синишлари.
3. Болдир-ошиқ бугимлари жароҳатлари.

IV. Травматик чиқишлар.

1. Қўл суяклари чиқишини диагностикаси, клиникаси ва даволаш.
2. Оёқ суяклари чиқишини диагностикаси, клиникаси ва даволаш.
3. Умуртқа поғонаси чиқишини диагностикаси, клиникаси ва даволаш.
4. Умуртқа поғонасини асоратсиз синишлари.
5. Саноқ жароҳатлари.

V. Таянч-харакатланиш аппаратининг туғма деформациялари.

1. Туғма бўйин қийшиқлиги.
2. Туғма маймоқлик.
3. Сон суяги туғма чиқиши.
4. Сколиоз.
5. Қўл ва бармоқлар деформациялари ва ривожланиш нуқсонлари.

VI. Кўкрак қафаси туғма деформациялари.

2. Қовурғалар ва туш суяги ривожланиш аномалиялари. Кўкрак қафаси туғма гирдобсимон ва тумшуксимон деформациялари. Ясси кўкрак.

3. Курак суягини туғма юқори туриши. Қанотсимон курак.

VII.

1. Қўл ва оёқларнинг туғма ривожланиш аномалиялари.
2. Қўл ва оёқларнинг тўлиқ ва қисман ривожланмаслиги. Амниотик тортмалар. Қўл ва оёқларнинг туғма калталиги.

3. Туғма ёлғон бугимлар.
4. Тизза бугими туғма деформациялари.

VIII. Туғма ривожланиш нуқсонлари.

1. Туғма кул қийшиқлиги. Кул кафтининг сурункали чиқиши. Маделунг деформацияси.

2. Елка, билак ва тизза копкоги суякларининг туғма чиқишлари.
3. Остеомиелит.
4. БМФ – Болалар мия фалажи.

IX. Полиомиелит асоратлари.

X. Суяк усмалари.

XI. Артралгия ва артрит.

1. Чанок сон бугими артрози, артрити.
2. Тизза бугими артрози, артрити.
3. Болдир-ошиқ бугими артрози, артрити.
5. Умуртқа поғонаси остеохондрози.

XII. Куп сонли жароҳат - политравма.

1. Кам сонли жароҳатлар.
2. Куп сонли жароҳатлар.
3. Кушма жароҳатлар.

4. Комбинирланган жарохатлар.

5. Беморлар реабилитацияси.

ХШ. Социал реабилитация. Беморларнинг тиббий реабилитацияси. Беморларнинг физиотерапевтик реабилитацияси. Беморларни машгулотлар билан даволаш.

2. Материал таркиби.

2.1. «Травматологияда текширув усуллари»

Синиш ва чикишлар диагностикаси, кул ва оёқлар узунликларини улчаш, кул ва оёқлар калталиги, турлари, суяклар чикиш ва синишларида абсолют ва нисбий калталиклар. Синишларнинг рентгенологик белгилари ва уни асоратлари. Компьютер томографияси. Электрофизиологик текширув усуллари. Жарохат огирлигини баҳолаш усуллари.

2.2. «Таянч харакатланиш аппарати анатомияси ва физиологияси ва травматологиянинг умумий саволлари».

Таянч харакатланиш аппарати анатомияси ва физиологияси, физиологик ва репаратив остеорегенерация, синиш ва чикишларнинг замонавий таснифи, замонавий даволаш принциплари, консерватив ва жаррохлик усулларида даволашдан кейинги асоратлари ва окибатлари, травматологиянинг терминологияси ва асосий тушунчалари, кискача тарихий маълумот, мамлакатда травматологик хизматни жорий қилиш ва ташкиллаштириш, синишлар ва чикишлар таснифи ва юмшок туқимлар жарохатлари ва окибатлари, суяк ва юмшок туқималарда бажариладиган жаррохлик амалиётининг асосий усуллари, таянч харакатланиш системаси жарохатлари олган беморлар реабилитацияси. Фрактологияда хорижий ва мамлакат олимларнинг қушган хиссалари.

2.3. «Амбулатор-поликлиник травматология»

Поликлиникада травматолог кабинети ва травмпунк ишини ташкиллаштириш принциплари, беморларни қабул қилиш ва даво тактикасини танлаш, амбулатор-поликлиник травматологик амалиётда қуп учрайдиган синишлар механизми, даволаш ва диагностикаси ва таснифи, синиш соҳасини анестезияқилиш.

Жарохатга бирламчи ишлов бериш, гипсли боғламлар. Суяк булақларини репозиция ва чикишларни бартараф қилиш.

2.4. «Кул, елка камари ва кукрак кафаси травматология ва ортопедияси».

Кукрак кафаси, елка камари ва кул суяклари анатомияси, физиологияси. Елка камари ва кул суяклари синиш ва чикишлари, кобургалар ва туш суяги синишлари механогенези, таснифи, клиникаси, диагностикаси ва даволаш, пневмоторакс, гемоторакс, елка камари ва кул соҳасидаги бойлам-пай аппаратлари, мушаклар ва приферик нервлар жарохатлари, таснифи, клиникаси, диагностикаси ва даволаш, кул суяқларини жойига солиш, суяк булақларини репозиция қилиш, елка камари ва кул суяклари синишларида тана тортими системасини урнатиш, кул суяклари синиш ва чикишларида гипсли боғлам қуйиш, пай чоклари, елка камари ва кул суяклари синишлари жаррохлик усуллари, елка камари ва кул суяклари билан жарохатланган беморларнинг амалиётдан кейинги кузатуви ва реабилитацияси.

2.5. «Оёқ суяклари травматологияси»

Оёқ суяклари анатомияси, физиологияси ва биомеханикаси. Оёқ суяклари синиш ва чикишлари механогенези, таснифи, клиникаси, диагностикаси ва даволаш. Оёқнинг пай-бойламли аппарати, мушаклар, периферик нервлар жарохатлари, таснифи, клиникаси, диагностикаси ва даволаш, оёқ суяклари чикишлари жойига солиш, суяк булақлари репозицияси, оёқ суяклари чикиш ва синишларида тана тортими системасини урнатиш, тизза ва болдир-ошиқ бугимлари капсула-бойлам аппарати жарохатлари ва оёқ суяклари синишларида жаррохлик усуллари. Оёқ жарохатлари билан жарохатланган беморларни консерватив ва амалиётдан кейинги кузатуви, реабилитацияси. Скелет тортими системаси ривожланиш тарихи, утқизиш техникаси, юк микдорини аниқлаш ва болалар практикасида тана тортими системаси муаммолари.

2.6. «Чанок суяклари травматологияси».

Чанок анатомияси, чанок суяклари синишлари механогенези, таснифи, клиникаси, диагностикаси ва даволаш, асоратлари, прогноз ива окибатлари, чанок суяклари

жароҳатларини диагностикаси ва текшириш, чанок суяклари жароҳатларида консерватив ва жарроҳлик даволари усуллари, чанок суяклари жароҳатларида остеосинтез усуллари, чанок суяклари жароҳатлари билан жароҳатланган беморларреабилитацияси.

2.7.«Умуртқа погонаси шикастланишлари ва касалликлари».

Умуртқа погонаси анатомияси, физиология ва биомеханикаси, умуртқа шикастланишларининг механогенези, таснифи, клиник курилиши ва диагностикаси. Умуртқа шикастланишларини консерватив ва оператив даволашнинг замаонавий усуллари. Умуртқанинг турғун ва нотурғун синишлари, консерватив ва оператив даволашга курсатма ва карши курсатмалар.

2.8. «Кўп сонли жароҳатлар».

Кўп сонли жароҳатларнинг таснифи, клиник кўрилиши ва диагностикаси, консерватив ва оператив даволаш усуллари, куп сонли жароҳатланишларда устун турган жароҳатланиш, куп сонли жароҳатланишларда беморларни даволаш тактикаси ва уларни олиб бориш, куп сонли жароҳатланишларда асосий оператив даволаш усулларига замаонавий қарашлар.

2.9. « Болалик давридаги жароҳатланишлар»

Таянч-ҳаракат аппаратининг болалик даври табиатига хос булган синишлари ва чиқишлари анатомияси, рентгеноанатомияси, механогенези, клиник кўрилиши, таснифи, диагностикаси ва даволаш усуллари. Тирсак бўғими жароҳатланишлари таснифи, клиникаси ва даволаш тактикаси, асоратлари профилактикаси, суяк булаклари репозицияси, гипсли боғлам қўйиш, диагностикаси ва даволаш усуллари. Оёк ва қуллар синишларида тана тортматизимини урнатиш. Болаларда остеосинтезнинг асосий услублари. Хорижий ва Ватанимиз олимларининг болалик даври травматологияси ривожланишида тутган ўрни.

2.10.«Қарилик даври травматологияси».

Қариларда суяк-мушак аппаратининг анатомияси, остеопорознинг клиник-рентгенологик белгилари, қарилик даври табиатига хос булган синишлар, унинг механогенези, клиник курилиши ва диагностикаси, қарилик даври синишларида гиподинамик ва дистрофик асоратлар, беморларни эрта фаоллаштириш ва остеосинтезнинг эҳтиёткорона усуллари қулларда тез-тез учраб турадиган синишлар, консерватив ва оператив даволашга курсатмалар, қутилиши мумкин булган синишлар ва уларнинг олдини олиш ва асоратлар профилактикаси.

2.11. «Умумий ортопедияда ва ортопедияда текшириш услублари».

Ортопедия ривожланишининг тарихи, терминология ва умумий тушунчалар, ортопедик касалликларда текшириш услублари, ортопедик касалликларни даволашда замонавий қарашлар, даволашнинг консерватив ва оператив турига курсатмалар. Ортопедик касалликларни даволашда текширишнинг клиник, лаборатор, рентгенологик ва инструментал текшириш услублари, турли ортопедик касалликларни оператив даволашнинг қулай муддатлари.

2.12.«Туғма деформациялар».

Умуртқа погонаси, бўйин, кўкрак қафаси, курак, оёк ва қуллар туғма ривожланиш аномалиялари ва деформациялари, ортопедик касалликларни даволашнинг консерватив ва оператив турига курсатмалар. Умуртқа, бўйиннинг ортопедик касалликлари, умуртқани дозали тортиш, редрессация, этапли гипсли боғлам қўйиш, ортопедик махсулотлар ва аппаратлар ишлатилиш. Пай, мушак, суяк ва бўғимларда асосий операция услублари. Болалар ортопедияси ва ортопедиянинг айрим қисмлари ривожланиши ва истикболни белгилашда бизнинг мамалакат олдида турган вазифалар.

2.13.«Орттирилган деформациялар».

Травмадан кейинги деформациялар, рахит асоратлар, полиомиелит асоратлари, БЦП, ўтказилган остеомиелит асорати, таянч-ҳаракат аппаратининг системали касалликлари, суяк ўсмалари ва остеохондропатиялари, уларни оператив ва консерватив даволаш услублари. Умуртқа, бўйиннинг ортопедик касалликлари, умуртқани дозали тортиш, редрессация, этапли гипсли боғлам қўйиш, ортопедик махсулотлар ва аппаратлар ишлатилиш. Пай, мушак, суяк, бўғимларда асосий операция услублари ва реабилитацияси.

2.14. «Оёк-қўллар ампутацияси ва протезлаш».

Оёк ва кулларда ампутация ва экзоартикуляциянинг асосий куринишлари, ампутацияга абсолют ва нисбий кўрсатмалар, болаларда ампутация ва ампутацион чўлтоқнинг ўзиги хослиги, чўлтоқ касаллиги, протезлаш.

2.15. «Суяк онкологияси».

Суяк ўсмалири ҳақида умумий тушунчалар, суяк ўсмаларида комбинацион терапиянинг замонавий принциплари, ўсмалар таснифи, яхши ва ёмон сифатли ўсмалар клиник кўриниши ва рентгенодиагностикаси, бундан ташқари суякнинг кам учрайдиган касалликлари, яхши, ёмон сифатли ўсмалар ва суякнинг кам учрайдиган касалликлари дифференциал диагностикаси, оператив давонинг асосий қонун-қоидалари.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги
Олий Аттсетация Комиссияси**

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги
Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази**

«КЕЛИШИЛГАН»

Академик В.Воҳидов номидаги
Республика ихтисослаштирилган
хирургия маркази
директори, профессор
Ф.Г. Назыров

2013й.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

ЎзР Вазирлар маҳкамаси қошидаги
Олий Аттсетация Комиссияси
раиси профессор
Г.А.Баҳадиров

2013й.

**Хирургия ихтисослиги бўйича малакавий имтихон
ДАСТУРИ**

Бўлим соҳаси: Соғлиқни сақлаш

Мутахассислик: ХИРУРГИЯ - 14.00.27

**Хирургия -14.00.27 ихтисослиги бўйича тиббиёт фанлари доктори илмий даражаси
изланувчилари учун малакавий имтихон
ДАСТУРИ**

Ватанимиз ва жаҳон хирургияси тарихининг асосий босқичлари. Ватанимиз хирургиясининг асосчилари ва уларнинг хирургия ривожига қўшган ҳиссалари. Республика хирургларини илмий жамияти, уларни вазифалари ва ташкиллаштириш. Ўзбекистон Республикаси соғлиқлини сақлаш тизимида хирургик ёрдамни ташкил қилиш. Хирургия бўлими, операция блоки ва жонлантириш бўлими ишини ташкиллаштириш.

УМУМИЙ ХИРУРГИЯ

Асептика ва антисептика. Тушунчаси. Тикув материалларини ишлов бериш усуллари, хирург кўлини тайёрлаш. Хирургик анжомларни, чойшабларни, боғлов материалларини стериллаш усуллари.

Қон кетиши. Таснифи. Хар хил қон кетиш турлари билан курашиш. Қон йўқотилишини анқлаш усуллари. Йўқотилган қон ўрнини тўлдириш.

Яра. Таснифи. Хар хил турдаги яраларни урганиш. Яраларни кечиши ва битиши. Зарарланган яраларни даволашни замонавий принциплари.

Маҳаллий йирингли инфекциялар. Яралар микрофлораси. Фурункул (чипқон), карбонкул, абцесс (хўппози), флегмона, лимфаденит, тромбофлебит, панариций (хасмол) турлари. Тендобурсит, флегмона. Диагностикаси. Хирургик ва консерватив даволаш усуллари.

Сарамас. Этиологияси, таснифи, клиникаси, диагностикаси ва даволаш.

Қоқшол. Қузғатувчиси. Патогенези. Клиникаси, диагностикаси, даволаш профилактикаси.

Хирургик сепсис. Клиникаси, даволаш тамойиллари.

Остеомиелит. Таснифи, этиологияси, патогенези, диагностикаси ва даволаш.

**ХИРУРГИЯДА ЙИРИНГЛИ ЯЛЛИҒЛАНИШЛАРНИ АСОРАТИНИ ДАВОЛАШ ВА ОЛДИНИ
ОЛИШНИ ЗАМОНАВИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ.**

Куйиш. Таснифи, куйиш касаллигини даври ва босқичи, патогенези, замонавий даволаш тамойиллари. Электротравма.

Совуқ уриши. Таснифи, клиник кечиши, даволаш

Хушдан кетиш, коллапс, шок. Патогенези, клиникаси, солиштирма диагностикаси, даволаш.

Жонлантириш асоси. Ўпкани суний нафас олдириш. Нафасни бошқариш. Юрак тухташида биринчи ёрдам курсатиш принциплари.

Парэнтерал овқатлантириш. Курсатма, овқатлантириш мухитлари.

ХУСУСИЙ ХИРУРГИЯ

Бўйин касалликлари ва шикастланиши. Яллиғланиш жараёнлари. Уларни ўзига хос кечиши. Бўйин флегмонаси. Хирургик ёндашув.

Қалқонсимон безини касалликлари. Эндемик ва тиреотоксик буқоқ. Тиреоидитлар (ўткир ва сурункали). Қалқонсимон безини саратони. Этиологияси, клиникаси, диагностикаси, консерватив ва хирургик даволаш.

Гипопаратиреоз, тетания (қалтираш). Патогенези, клиникаси, диагностикаси, прогноз, даволаш. Қалқонсимон безини хирургик амалиётларида гипопаратиреозни олдини олиш йўллари.

Трахеяни чандикли торайиши ва усмалари. Клиникаси, диагностикаси ва даволаш.

КЎКРАК ҚАФАСИ ВА КЎКРАК ҚАФАСИ ОРГАНЛАРИНИ КАСАЛЛИКЛАРИ

Сут беги касалликлари. Сут безини гормонал бузилиш касалликлари, маститлар, сут беги саратони. Клиникаси, диагностикаси, замонавий даволаш принциплари.

Қизилўнгачнинг хирургик касалликлари. Қизилўнгач жароҳати, дивертикулитлари, ёт жисмлари, ҳавфсиз ва ҳавфли ўсмалари, кардиоспазм, қизилўнгач кимёвий куйишларнинг оқибатлари. Консерватив ва хирургик давоси.

ЮРАК ВА ЮРАК ПАРДАСИНИНГ ХИРУГИЯСИ

Юрак-қон томир тизими касалликлари ташхисининг асосий методлари. Кадиохирургияда шошилинч вазиятлар ва уларнинг давоси. Қон айланишининг етишмовчилиги ва унинг давоси. Ташхисни тўғри ташкил этиш ва оператив давога кўрсатма.

Юрак жароҳатлари. Клиник кечиши, ташхиси ва даволаш. Юракчоклари.

Юракнинг туғма ва орттирилган нуқсонлари. Таснифи, диагностикаси, клиник кечиши, даволашпринциплари, реабилитацияси. Юрак ишемик касаллиги ва юракнинг инфарктдан кейинги аневризмаси. Хирургик давога кўрсатма, аортакоронар шинтлаш операциясидан кейинги реабилитация.

ЎПКА КАСАЛЛИКЛАРИ ВА ЖАРОҲАТЛАРИ

Ўпканинг туғма касалликлари. Ўпканинг гипоплазияси, кисталари, секвестрациялари. Клиник кечиши, диагностикаси, даволаш.

Пневмоторакс, гемоторакс, ўпканинг буллез эмфиземаси. Таснифи, клиник кечиши, диагностикаси, даволаш.

Ўпка абсцесси (хўппози), гангрена, бронхоэктази, стафилококкли деструкцияси. Таснифи, клиник кечиши, диагностикаси, даволаш.

Плевранинг ўткир ва сурункали эмпиемаси. Этиологияси, патогенези, клиник кечиши, диагностикаси, даволаш янги усуллари.

Ўпканинг ҳавфсиз ва ҳавфли ўсмалари. Таснифи, диагностикаси, даволаш принциплари.

Ўпканинг эхиникоккози. Таснифи, диагностикаси, хирургик давоси.

Ўпкадан қон кетиши. Принциплари, клиник кечиши, солиштирма диагностикаси, даволашнинг янги усуллари.

Трахея ва бронхларда реконструктив амалиётлар. Бронхларда ёт жисмлар. Кўкс оролиғининг кисталари ва ўсмари. Клиник кечиши, диагностикаси, асоратлари.

Кўкрак қафаси жароҳати. Қўшма шикастланишлар. Кўкрак қафасини лат ейиши, қисилиши, чайқалиши. Тешиб ўтувчи ва тешиб ўтмайдиган кўкрак қафаси жароҳатлари, асоратлари, диагностикаси ва даволаш.

Операциядан кейинги асоратлари. Турлари, даволаш усуллари. Қайта операциялар.

Диафрагма касалликлари. Диафрагма чурралари. Таснифи. Сирпанувчи чурралар, диафрагманинг қизилўнгач тешигининг чурралари, шикастланишдан кейинги диафрагма чурралари, суяк-диафрагма бурчагининг чурраси. Патогенези, клиник кечиши, диагностикаси, даво принциплари.

ҚОРИН БЎШЛИҒИ АЪЗОЛАРИНИНГ КАСАЛЛИКЛАРИ

Қорин деворининг чурралари. Турлари, таснифи, этиология ва патогенези, солиштирма диагностикаси, хирургик даво усуллари.

Ўн икки бармок ичак ва ошқозон яра касалликлари. Этиологияси, патогенези, таснифи, диагностикаси, даволаш усуллари. Асоратлари: Ярани тешилиши, ўткир ошқозон ва 12 бармок ичак ярасидан қон кетиши. Клиник кечиши, диагностикаси, даво усуллари. Ошқозон операциясидан кейинги касаллиги.

Ошқозон ҳавфсиз ва ҳавфли ўсмалари. Таснифи, клиник кечиши, диагностикаси, даволаш. Ошқозон ичак тракти хирургиясида янги технологияларни қўллаш.

Қоринни жароҳатланиши «қорин бўшлиғи органларини жароҳатланиши ва жароҳатсиз»

Ичак тугилиши. Таснифи, патогенези, таққослаш диагностикаси, клиник кечиши, даволаш.

Ўткир аппендицит. Таснифи, патогенези, клиник кечиши, таққослаш диагностикаси, асорати ва даволаш.

Ўткир аппендицитни болаларда, ёши катталарда ва хомиладорларда кечишининг ўзига хос хусусиятлари.

Йўғон ичакни ҳавфсиз ва ҳавфли касалликлари. Йўғон ичак усма касаллиги таснифи. Йўғон ичак саратони. Йўғон ичак саротонини турли бўлимларида учраш даражаси.

Йўғон ичакнинг ўнг ва чап бўлимларида саротоннинг клиник кечишини узига хос хусусиятлари, диагностикаси ва даволаш.

Носпецифик ярали колит. Клиник кечиши, диагностикава даволаш.

Тўғри ичак касалликлари. Орқа чиқарув тешигининг ёриқлари, парапротит, тўғри ичак тушиши, полиплари ва саратони. Таснифи, этиопатогенези, клиник кечиши, диагностикаси ва даволаш.

ЖИГАР КАСАЛЛИКЛАРИ

Жигарнинг ҳавфсиз ва ҳавфли ўсмалари. Жигарнинг бирламчи ва метастатик ўсмалари. Ўт йўллари хавфли ўсмалари. Клиника, диагностика ва хирургик давоси. Жигар ўсмаларида инструментал текширув усуллари роли.

Жигар нопаразитар кистаси. Чин ва ёлғон кисталар, ретенцион ва дермоид кисталар, гемангиома ва лимфангиома. Жигар поликистози. Таснифи, этиологияси, клиник кечиши, диагностикаси. Даволаш ва диагностиканинг воситали усуллари.

Жигарнинг паразитар касалликлари.

Жигар ва бошка қорин бўшлиғи аъзоларининг эхинококкози. Жигар альвеококкози. Этиологияси, патогенези, воситали ва лаборатор диагностика усуллари, клиник кечиши, оператив даво усуллари ва уларда янги технологияларнинг қулланилиши.

Холедохолитиаз. Диагностикаси, хирургик тактикаси. Операция лапароскопик техникани қуллаш билан.

Ўт пуфагини холестерози. Этиологияси, диагностикаси, даволаш.

Ўткир ва сурункали холецистит. Клиникаси, диагностикаси ва хирургик даво усуллари.

Холецистэктомиядан кейинги синдром, уни сабаблари, диагностикаси, давоси

Ўт йўллари хирургиясида қайта операциялар. Сабаблари, кўрсатмалар.

Резидуал қайталанган холедохолитиаз тушунчаси, тактика

Ўт йўллари тўғма касалликлари. Уларни таснифи, оператив давога курсатма ва уни усуллари.

Ўт йўллари чандиқли торайишлари. Диагностикаси, хирургик даво ва операция турлари. Ўт йўллари жигар орқали дренажлашга кўрсатма. Эндоскопик усулни урни. Фистулохолангоскопия. Жигар ут йўллари торайишларини жигар орқали ва эндоскопик дилатацияси.

Гемобилия, сабаблари, диагностикаси, даволаш.

Ўт оқмалари. Таснифи, этиологияси, диагностикаси, даволаш.

Портал қон айланиши блокадасини турлари, этиологияси, патогенези, клиник кечиши, диагностикаси, даволаш.

Сурункали гепатит, этиологияси, патогенези, клиникаси, даволаш.

Жигар циррози. Таснифи, этиологияси, патогенези, клиникаси, диагностикаси, давоси.

Портал гипертензияда хирургик даво усуллари. Резистент асцитни хирургик даволаш, портал гипертензияни рентгеноэндоваскуляр ва эндоскопик даво усуллари. Спленэктомияга, портаковал томирли анастомозга, қуёш чигали артерияси тармоқларини бойлашга, қуёш стволи ва унинг тармоқларини периартериал симпатэктомиясига, жигар резекциясига, жигар юзи коагуляциясига, қизилўнгач ва кардия веналарини эндоскопик ва хирургик пломбировкасига кўрсатма ва қарши кўрсатмалар.

Ошқозон ости беги касалликлари: Ўткир ва сурункали панкреатитлар. Этиопатогенези, диагностикаси, клиникаси, хирургик даво усуллари. Иккиламчи сурункали панкреатитларда, холецистпанкреатитда, сурункали панкреатитда органик дуоденостаз, ўн икки бармок ичак дивертикули, ошқозон ва 12 бармок яралари кушилиб келганда қўлланиладиган операциялар.

Бирламчи сурункали панкреатитда қўлланиладиган операциялар: хирургик даво усуллари.

Ошқозон ости беги кисталари. Таснифи, диагностикаси, хирургик ва консерватив даво усуллари.

Ошқозон ости безининг ташқи оқмалари. Таснифи ва хирургик давоси.

Перитонит. Таснифи, этиопатогенези, клиник кечиши, диагностикаси, турли хил перитонитларда хирургик даво усуллари.

Юрак ишемик касаллигининг хирургик даво принциплари. Симптоматик гипертония, қорин бўшлиғи ангинаси, қорин аортасининг обтурация синдроми, ўткир тромбоз ва эмболия, аорта ва артериал қон томирлар аневризмаси, периферик қон томирларда микрохирургик операциялар принциплари, эндоваскуляр хирургия принциплари.

Замонавий ангиохирургияда қон томир трансплантатларининг муаммолари. Атеросклероз, аортоартериит. Диагностикаси, клиникаси, даволаш.

Эндоваскуляр хирургия муаммолари, даво усуллари ва принциплари.

Оёқларнинг варикоз касаллиги, этиопатогенези, диагностикаси, консерватив ва хирургик даво.

Лимфа тизими касалликларининг замонавий диагностик ва хирургик даво усуллари.

Буйрак трансплантацияси. Кўрсатма ва қарши кўрсатма.